Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 63 (7. 152) ◎ 1990 йил 17 март, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

СССР халқ депутатлари Съездида

15 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини давом эттирди.

Танаффусдан кейин **М. С. Горбачев** бундай деди: СССР Президенти этиб сайланишим муносабати билан СССР Олий Совети Раиси сифатидаги вазифам тугади. Шуни ҳисобга олиб, СССР Олий Совети Раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш керак.

Съезд бу масалани кун тартибига киритди.

Съезд М. С. Горбачев СССР Президенти этиб сайланиши муносабати билан унинг СССР Олий Совети Раиси ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисида, А. И. Лукьяновнинг СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимидаги (чунки бу лавозим бекор қилинди) ваколатларини тўхтатиш тўғрисида ва М. С. Горбачев Президент лавозимига сайланиши муносабати билан унинг СССР халқ депутати ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин Съезд СССР Олий Совети Раиси лавозимига номзодлар кўрсатишга киришди. Таклиф тушиши тартибига кўра депутатлардан А. И. Лукьянов, Е. П. Велихов, А. М. Яковлев, Ю. А. Рижов, А. Н. Яковлев, Н. А. Назарбоев, Е. М. Примаков, А. И. Казанник, К. Д. Лубенченко, Н. В. Федоров, А. А. Собчак, С. Б. Станкевич, А. И. Вольский, С. М. Рябченко, Г. И. Фильшин, Д. Н. Кугультинов, Г. В. Колбин, И. И. Заславский, Н. И. Рижков номзодлари кўрсатилди.

Бир қанча депутатлар ўз номзодларини қайтиб олишганидан кейин муҳокама қилиш учун рўйхатда депутатлардан А. И. Лукьянов, Е. П. Велихов, А. И. Казанник, К. Д. Лубенченко, Н. Ф. Федоров, А. А. Собчак, С. М. Рябченко, Г. И. Фильшин номзодлари қолди.

Съезд қатнашчилари СССР Олий Совети Раиси лавозимига А. И. Лукьянов номзодини муҳокама қилишдан экан, турлича фикрларни айтишди. Чунончи, депутат **В. А. Шаповаленко** ана шу юксак лавозимда бошқа киши бўлиши керак, деб уқтирди, унинг фикрича, муҳокама этилаётган номзодда, жумладан, холислик сингари муҳим фазилат йўқ. Депутатлардан **Л. А. Кузнецов, Ю. Х. Калмиков, В. Ф. Романов, А. В. Голев, В. Д. Романенко** ва бошқалар танқидий мулоҳазалар, конкрет таклифлар айтишди.

Съезднинг кечқурунги мажлиси депутат **В. И. Воротников** раислигида очилди. Саноқ комиссиясининг раиси **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Раисини сайлаш тартибини эълон қилди.

Съезд ҳисоб комиссиясининг раиси **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Раиси сайлови юзасидан яширин овоз бериш натижалари аниқланган ҳисоб комиссиясининг мажлиси тўғрисида маълумот берди. Овоз бериш учун сайлов бюллетенларини 1896 нафар СССР халқ депутати олди, — деди у. Сайлов қутилари очилганида 1890 та бюллетень чиқди. 6 бюллетень бекор қилинди. Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: Велихов — ёқлаб 60, қарши — 1824 овоз; Казанник — ёқлаб 75, қарши — 1809 овоз; Лубенченко — ёқлаб 377, қарши — 1507 овоз; Лукьянов — ёқлаб — 1202, қарши — 682 овоз; Рябченко — ёқлаб 26, қарши — 1858 овоз; Собчак — ёқлаб 77, қарши — 1807 овоз; Федоров — ёқлаб 39, қарши — 1845 овоз; Фильшин — ёқлаб 22, қарши — 1862 овоз.

Шундай қилиб, халқ депутатларининг кўпчилик овозини олиб, яъни рўйхатдаги составнинг 53,6 фоизи овозини олиб, А. И. Лукьянов СССР Олий Советининг Раиси бўлди.

Съезд ҳисоб комиссияси протоколини тасдиқлади ва ўртоқ **Анатолий Иванович Лукьяновни** СССР Олий Советининг Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини тугатди. Совет Иттифоқи гимни янгради.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССРнинг биринчи Президенти этиб сайлаб, менга ишонч билдирганингиз учун чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

Ушбу вазифани давлат учун қийин бўлган пайтда қабул қилиб олаётганимни тушуниб турибман. Мен ўз номзодим Президентликка овозга қўйилиши учун розилик бердим, чунки Ватанимизнинг келажагига ишонаман, яна шунинг учун ҳамки, қайта қуриш бутун ҳаётимизнинг мазмунига айланганлигига аминман.

Алоҳида масъулиятли эканлигимни тушунаман, буни мен ўз номзодим муҳокама қилинган чоғда депутатларнинг нутқларини тинглаб, яна бир бор чуқур ҳис этдим. Халқ олдидаги бурчимни ижро этишдан ўзимни четга олмайман.

Қайта қуриш сиёсати, ўйлашимча — бизнинг мамлакатимиз сингари мамлакат учун сифат жиҳатидан янги ҳолатга, авторитар-бюрократик системадан инсонпарвар демократик социалистик жамиятга ўтишнинг имконини бўлган бирдан-бир тинч йўлдир.

Президент сифатида мендан қилинган ишларга баҳо берилишини ва келгусига мўлжалланган ўз ҳаракат программамни қандай тасаввур этишимни қутмоқдалар.

Қайта қуришнинг асосий ғалабаси — демократия ва ошкораликдир, бу келгусидаги ўзгартишларнинг бутун боришу учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳозирги аҳвол мураккаблигига, ижтимоий-сиёсий соҳада жуда кўп қийинчиликлар ва муаммолар мавжудлигига қарамай, шуни айтиш мумкинки, бу борада ҳам инсон манфаатлари сари муҳим бурилиш қилинди. Биз ҳаммамиз сиёсий ўзгартишларнинг дастлабки реал натижаларини ҳис этмоқдамиз. Чинакам халқ ҳокимияти системаси барпо этилмоқда, ҳуқуқий давлат негизлари шаклланмоқда. Унитар давлатдан тўлақонли федерация сари қийин, аммо ҳаётий муҳим ўтиш бошланди.

Биз ўз мамлакатимизда қайта қуришни янгича фикрлаш асосида авж олдириб, янги ташқи сиёсатни ишлаб чиқдик. Бу Совет Иттифоқининг ҳозирги дунёдаги роли тўғрисидаги тасаввурни ўзгартирди. Энг муҳими эса, сўнгги маррада, дунё жаҳоншумул ҳалокат ёқасига келиб қолган пайтда бунга эришилди, дейиш мумкин. Воқеаларнинг хатарли боришининг олди олинди, халқаро муносабатлар соғломлаша бошлади.

Хуллас, ўртоқлар, тарихий миқёсдаги бурилиш тўғрисида гап бормоқда. Буни ҳаммамиз англашимиз муҳим, акс ҳолда қайта қуриш дуч келаётган анчагина, қўпинча аламли ҳодисаларни тўғри баҳолаш қийин.

Ўзгаришларнинг бундай қудратли тўлқинида, рўйрост айтамизки, бунга кадрларнинг, жамоат онгининг тайёр эмаслигида биз, табиийки, ҳамма нарсани зарур бўлган даражада бажаришга улгурмадик. Нохуш ҳолатларнинг кечиши: Чернобил, Арманистон, бошқа табиий офатлар, жаҳон бозорида биз учун вазиятнинг кескин даражада ёмонлашганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, Инвестиция сиёсатида, ички либозликка қарши кампанияни ўтказишда йўл қўйилган хатолар катта зарар келтирди. Жиноятқорона совуққонлик ва миллатлараро адоватни янада жиноятқорона авж олдириш оқибатида катта талафот берилди ва одамлар қурбон бўлди.

Қолоқлик, ўн йиллар давомида қарор топган ақидапарастлик, турғунликка, сусткашликка, юқоридан кўрсатма билан яшашга кўникиш бизга ҳалақит берди. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Мен хатто шундай деб айтган бўлардим: иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги барча қийинчиликлар, бошқа муаммоларнинг кескинлигига қарамай, онгнинг қотиб қолганлиги ўзгартишлар йўлидаги асосий тўсиқдир.

Қайта қуришга қарши бўлган турли кўринишдаги бузғунчи кучларнинг тўсқинлик қилувчи таъсири тўғрисидаги масалани ҳам четлаб ўтолмайман. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда ҳамда жамиятимизни янгилашга астойдил интилаётган барча кишилардан жипслашиш ва қатъиятни талаб этмоқда. Вазиятнинг фожиали эканлигини, муаммоларнинг мураккаблиги ва ўзига хослигини, жамиятнинг безовталигини англаб турибман, аммо ваҳимага тушиш, бунинг устига сиёсатни ўзгартириш учун асосни сезмаяпман.

Аксинча, қайта қуриш сиёсатини чуқурлаштириш зарурлиги аён. Айни шу мақсадда аввало Президент ваколатидан фойдаланаман. Шуни алоҳида таъкидлайманки, бундан буён ҳам барча қайта қуриш жараёнларини демократик асосда ҳақиқатан ҳам қатъият билан олға томон силжитиш учун ана шу ваколатлардан фойдаланаман.

Съездгача ҳам, бу ерда, Съезднинг ўзида ҳам Президентлик ҳокимиятни қўлга олиш хавфини туғдирмайдими, деган хавотирлик билдирилаётганлиги учун бу ҳақда гапиришни зарур, деб ҳисоблайман. Бундай хавотирлик учун асос йўқ. Эндиликда қудратли, реал ҳуқуқларга эга бўлган давлат ҳокимиятининг олий ваколатли органлари — халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет ҳимоясидаги Конституциянинг ўзи бунга кафолат беради. Якка ҳокимлик сари ривожланишни истисно этадиган жиддий, пухта ўйланган қарши ҳаракат бунга кафолат беради. Бизда реалликка айланган ошкоралик, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги бунга кафолат беради.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳада кескинликни пасайтиришга қаратилган туркум тадбирларни амалга оширишни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайман.

Ҳозир «қатъиятсизлик», «сусткашлик», зарур чораларни кўришда «кечикиш» ва шу сингарилар тўғрисида кўпгина фикрларни эшитиш мумкин. Бунда қисман ҳақиқат бор. Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, биз зарур тайёргарлик босқичини ўтдик. Биз хўжалик ҳисобини, хўжалик юритишнинг ижара ва пудрат сингари биз учун янги шаклларини синаб кўрмай, кооперацияни тиқламай, ташкилий-бошқарув тузилмаларини ва хўжалик амалиётида пайдо бўлган бошқа кўпгина нарсаларни ўзгартирмай, мавжуд муаммоларни, иқтисодий ислоҳот доирасида уларни ҳал этишнинг энг мақбул усулларини тушунишнинг ҳозирги даражасига эриша олмаган бўлур эдик. Ниҳоят, Олий Совет қабул қилган ёки қабул қилиш арафасида турган ғоят муҳим қонунларни ишлаб чиқишнинг имкони бўлмас эди.

Жамият мана шу жараёнларнинг ҳаммасини бошидан кечириши лозим эди. Биз бунчалик туб ўзгаришларга тайёр эмас эдик, ҳозир ҳам тўла-тўкис тайёр эмасмиз. Хуллас, тайёргарлик босқичи объектив тарзда муқаррар эди. Умуман авторитар-бюрократик системага барҳам бермай туриб, иқтисодиётни тубдан қайта қуришнинг имкони бўлмади. Ҳақиқатан ҳам туб иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш учун бизда ҳуқуқий омиллар ҳам йўқ эди.

Эндиликда бундай омиллар мавжуддир, ниҳоят, хўжалик юритишнинг эски ва янги шакллари — буйруқбозлик ва иқтисодий ишларни зиддиятли тарзда, ўзаро бир-бирини заифлаштириб, мавжуд вазиятга барҳам бериш имконияти пайдо бўлди. Натижада буйруқбозлик усулларининг ҳам, иқтисодий усулларнинг ҳам таъсири сусайиб, истеъмол бозори, пул муомаласи ва молиянинг номувофиқлиги кучаймоқда, иқтисодий ўсишнинг суръатлари ва сифати пасаймоқда. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ хатарли аҳвол ҳам иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Айни бурилиш қилиш зарур, акс ҳолда салбий тенденциялар аввалгига қараганда тезроқ кучайиб боради.

Бизга иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга доир қатъий ҳаракатлар зарур, деб ҳисоблайман.

Энг аввало мулкчилик, ер, ижарага оид қонунлардаги, мазкур мажмуанинг бошқа қонун ҳужжатларидаги жуда катта бунёдкорлик қудратини амалда рўёбга чиқариш керак. Бу Қонун ҳужжатлари қабул қилиниши якунловчи босқичда турибди. Ана шу қонунларни амалга оширишни Президентнинг асосий вазифаси, деб биламан.

Агар биз тегишли иқтисодий муҳит яратиб бермасак, қонунлар ўз-ўзидан кучга кирмайди, одамларнинг ташаббуси бўғилиб, омилкорлиги юзага чиқмай қолади. Биз тўлақонли ички бозорни яратиш билан амалда шуғулланишимиз керак. Бу — ғоят мураккаб иқтисодий, сиёсий ва психологик муаммодир. Уни бирданига ҳал этиб бўлмайди, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада изчиллик билан ҳаракат қилиб, ҳар қандай қўрқув ва мажмуалардан халос бўлишимиз лозим.

Бунда нарх белгилаш, таъминот ва сотиш системаларини ислоҳ қилмасдан туриб, давлат буюртмаларини жойлаштириш, товар, пировардида эса фонд биржаларини тузиш практикасини ўзгартирмай туриб, ҳеч бир натижага эришиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг ортиқча маҳсулотларини эркин сотиш билан уйғун ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёнинг асосий турларига нисбатан натура солиғига ўтиш катта қадам бўлиши керак.

Иқтисодиётни маҳаллий лаштиришга қаратилган қонунлар ва қарорларни ҳеч кечиктирмай қабул қилиш зарур.

Ривож топадиган бозор шароитида давлат иқтисодий жараёнларга таъсир этувчи мустаҳкам омилларга эга бўлиши керак. Бунга биринчи навбатда корхоналар олади-ган фойдага ва аҳоли даромадига солиқ солишнинг оқилона системаси, молиявий назорат, СССР Давлат банки томонидан бутун тўлов оборотини яхлит тарзда йўлга солиб туриш, реал иқтисодий аҳволга мос келадиган процент ставкаларини белгилаш билан бирга фаол кредит сиёсати ўтказиш киради.

(Давоми иккинчи бетда).

Тонгги газеталарда

◎ **«СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ва «СССР Олий Советининг Раиси тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қарори берилган.**

◎ **СССР Президенти М. С. Горбачев 15 март куни Кремлда мухбирлар билан суҳбат ўтказди. У совет ва чет эл журналистларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.**

Мухбирлар билан суҳбат тўғрисидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

◎ **СССР Президенти М. Горбачевнинг Литва ССР Олий Советининг Раиси В. Ландсбергисга йўллаган телеграммаси ва Литва ССР Олий Советининг 1990 йил 10—12 мартдаги қарорлари муносабати билан СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди қарорни берилган.**



◎ **КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИДАН. Ўз сафларига 2600 нафар аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба уюшмаси комитети ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир корхонанинг Бўстонлиқ районидаги ҳордиқ чиқариш зонасидаги шароитларни яхшилаш, пионерлар лагерини мавсумга тайёрлаш масалалари ҳал этилмоқда.**

СУРАТДА: бирлашма касаба уюшмасининг аъзолари — бухгалтер А. Вайзбек, касаба уюшмаси раиси А. Юсупов, безатувчи рассом Г. Иброҳимова, квартира масалалари ва қурилиш бўйича инженер Л. Губарева, спорт инструктори М. Гоголева, ғазначи Д. Варьят ва раис муовини В. Вепренцева.

М. Нуриддинов сурати.

Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирайлик

ЭРТАГА—НАВРЎЗ ШАРАФИГА ЯКШАНБАЛИККА!

◎ **Ҳамза райони бир гуруҳ депутатларининг 18 март куни якшанбалик уюштириш ҳақидаги Мурожаати жойларда қизғин маъқулланмоқда**

ТАШАББУСНИ ҚУВВАТЛАБ

— Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантириш ташаббусини биз ҳам маъқуллаймиз, — деди А. Икромов район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари Ш. Темуров. — Эртага 18 март куни 32 маҳаллада яшовчи 100 мингдан ортиқ аҳоли якшанбаликда қатнашиш истагини билдирди.

Наврўз айёмига тайёргарликни пухта ва уюшқоқлик билан олиб бориш мақсадида А. Тожиев, Ульянов номли ва «Октябрь самараси» маҳаллаларининг аҳли мажбурият қабул қилдилар. Уларга якдиллик билдирган бошқа жамоалар ҳам умумхалқ ҳашарига шай бўлиб туришибди.

Якшанбаликда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. 25 мингдан ортиқ мевали дарахт, гул кўчатлари ўтказилади. Хонадонлар, чойхона, бекат ва бошқа жамоат жойларини тартибга келтириш, деворларни оқлаш, кўча ҳамда ариқларни тозалаш ҳам барчанинг диққат марказида.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.

ШОД-ҲУРРАМЛИК БИЛАН

◎ **«Бодомзор» маҳалла аҳолиси Наврўз — баҳор ва дўстлик байрамига пухта тайёргарлик кўраяпти.** Шу боисдан ҳам улар ҳамзаликлар ташаббуси асосида барча ҳамшаҳарларимиз қатори 18 март куни ўтказиладиган умумшаҳар якшанбалигида фаол иштирок этишга азму қарор қилишди.

Шу куни маҳаллада умумий ҳашар ўтказилиб, ҳар бир хонадон эгалари ўз ҳудудидаги жойларни тозалаш билан бирга ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир юмушларни амалга оширадилар. Шунингдек, мавжуд дарахтларга, яшил тўсиқларга шакл бериш, тагларини юмшатиш, сув шохобчаларини тартибга келтириш, очиқ ерларга мевали ва гул кўчатлари ўтказиш билан Наврўзни кўтаринки руҳда кутиб олиш режалаштирилган.

— Ҳар бир киши дўстлик, биродарлик, тинчлик шаҳри бўлган жонажон пойтахтимизни боғ-роғлар масканига айлантириши, яшил либосга буркаш ишига ўз ҳиссасини қўшиши керак, — дейди «Бодомзор» маҳалла қўмитасининг раиси Шуҳрат Жалолов. — Шу боисдан фақат мевали дарахт ўтказиш билан кифояланиб қолмай, уни ўз вақтида суғориб, парваришласак дастурхонимиз янада мевага тўкин бўлади. бозорларимизда нарх-навонинг арзонлашишига замин яратилади.

Наврўз шарафига икки қаватли чойхона боғида дошқозонда ҳалим тайёрланиб, қўшни маҳаллалардан таклиф этилган меҳмонлар билан биргаликда тўкин дастурхон атрофида баҳам кўрилади.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ҚИЗҒИН

◎ **Киров районидаги маҳаллалар ўртасида Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла, Янгариқ, 1-Кисловодский маҳаллаларида кўчат ўтказиш қизғин олиб борилмоқда.** Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳаллада 800 туп, Янгариқ маҳалласида 400 туп, 1-Кисловодский маҳалласида 350 туп олхўри, шафтоли, ёнғоқ, гилос кўчатлари ўтказилди. Маҳаллалардаги оқсоқоллар кўчат экишда ташаббускор бўлмоқдалар. «Бодомзор» маҳалласидаги майдонга эса 140 туп мевали кўчат оқсоқоллар томонидан экилди. Райондаги Кутузов номли кўча бошидаги 1 гектар бўш ётган майдончани район ободончилари, текислаб, ариқлар қазиб 300 туп ёнғоқ кўчати ўтказишди. Ҳозиргача районда 400 туп мевали кўчатлар ўтказилди.

Бугунги кунда кўча четидаги ариқлар атрофига яна ўн минг туп мевали кўчат ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.



◎ **ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ!** **Бу ҳикматга эзгулик бор. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши яхши ният билан нав-ниҳол ўтказади ва меҳнатидан завқ-шавқ олади. Отаҳонлар ўғил ва набираларини билан кўча бўйига дарахт ўтказиб, Наврўзни қувонч билан кутиб олишаяпти.**

«ГУЛИСТОН» ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

БАҲОР ва дўстлик байрами — Наврўз арафасида якшанбалик ўтказиб шаҳримизни кўркам ва обод этиш юзасидан Ҳамза райони бир гуруҳ депутатлари бошлаган хайрли ташаббусга бугунги кунда ҳамма хайрихоҳлик билдирмоқда. Маҳаллаларда, турар жой даҳаларида ҳамшаҳарларимиз ўз яшаш жойларини тартибга келтириб гуллаб-яшнатишга, боғ-роғлар яратишга қатъий бел боғламоқдалар.

— Ташаббус бизни ҳам якшанбаликда фаол иштирок этишга руҳлантирмоқда, — дейди Чилонзор районининг «Гулистон» турар жой даҳаси уй комитетининг раиси Комилжон Ямнов. — Кўплаб хонадонларнинг соҳиблари 18 март куни Наврўз айёмига тайёргарлик кўриш тадбирларида иштирок этиш билан биргаликда ўзлари истиқомат қилаётган уйларнинг атрофини яна бир бор тартибга келтирадилар. Очиқ майдонлардаги юмшатилган ерларга мевали дарахт кўчатлари ўтказиладн. Аввал экилган экинларнинг ва дарахтларнинг парваришига талабчанликни кучайтирадилар. Кузги-қишки мавсумда тупроқ остида қолиб кетган сув шохобчалари ҳашар йўли билан тозаланади. Бу ишларда фақат туб аҳолигина эмас, балки бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этишга ҳозирданоқ хоҳиш билдирмоқдалар. Наврўзни дўстлик байрами сифатида биз билан биргаликда нишонлашмоқчи.

Комилжон Ямиов асли қурувчи. У ҳали ёш бўлишига қарамай даҳада истиқомат қилувчи юзлаб оилаларга уй комитетининг раиси сифатида яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Маҳалла аҳлининг ўзига билдирган ишончига доғ туширмаяпти. «Гулистон» даҳасига дастлабки оилаларнинг кўчиб келганига эндигина икки йил бўлди. Аммо шу қисқа фурсат ичида бу ердаги уйларнинг сони ўсди. Аҳоли кўпайди. Гарчанд кўпчилик турли ерда яшаб даҳадаги уйларда бир-бирига энди қўшни бўлишган бўлса ҳам ҳамма аҳил, тинч-тотув яшамоқда. Маҳалланинг тадбирларида, турли маросимларида бирдек иштирок этяпти. Шу билан биргаликда даҳа аҳолиси уйларнинг олдидаги кичик томорқаларини ҳам гуллаб-яшнатишга эришмоқда. Ҳозир даҳадаги уйларнинг олдидан ўтиб қолсангиз кунтаги эндигина ниш ураётган ниҳолларни кўриб яйраб кетасиз. Кичик томорқалардаги яшил майсалар, кўк пиёз, кашнич, укроп сингарн резавор кўкатлардан уфуриб турган баҳор таровати кайфиятингизни кўтариб юборади. Бу албатта ерга бўлган алоҳида меҳру муҳаббатнинг шарофатидандир.

Даҳада жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Сув шохобчаларидан оби ҳаётнинг оқмаслиги туфайли ёзнинг жазирама иссиғида томорқани суғориш, дарахтларни парвариш қилиш осон кечмаяпти. Бу ишларга масъул кишилар эса ҳамон хотиржамлик кайфиятида юришибди. Уларнинг баҳорги юмушларга бош-қош бўлиш ўрнига бошқа нима ишлар билан шуғулланаётганликларини ҳеч ким билмайди. Фурсат олтиндан қиммат. Унинг беҳуда ўтишига йўл қўйиб бўлмайди. «Гулистон» даҳасидагина эмас, шаҳримизнинг бошқа бир қанча турар жойларида ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш икки ойлиги беҳуда ўтиб кетаётганига, ҳеч қандай ишлар қилинмаётганига нима дейиш мумкин.

Баҳор — ёшариш, янгиланиш фасли. У бизга халқимизнинг миллий байрами Наврўзни олиб келди. Ҳадемай бу муборак айёмни ҳаммамиз кенг нишонлаймиз. Маҳаллаларда, турар жой даҳаларида катта қозонда сумалак, ҳалим сингари таомлар тайёрланиб элюртга тарқатилади. Ўйин-кулгилар, қизиқарли маросимлар бўлиб ўтади. Ана шундай вақтда озода кўчалар, яшил майдончалар шаҳримизга кўрк бағишлаб турса қанчалар яхши.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Давлат бюджети камомадини тугатиш, пулнинг қадрсизланиши жараёнига қаршилик кўрсатиш мақсадида давлат харажатларини яқин вақт ичида анча қисқартириш ҳамма нарсадан кўра зарурдир. Айни вақтда бутун аҳоли учун, биринчи навбатда кам ҳақ тўланадиган ва кам таъминланган аҳоли табақалари учун ижтимоий кафолатларни, социал ҳимояланиш турли тадбирларини, шу жумладан нарх-наво ўсиши муносабати билан даромадларга ўрни қопланадиган қўшимчалар системасини ишлаб чиқиш керак.

Аграрчи депутатлар, мазкур депутатлар вакил бўлиб келган барча қишлоқ меҳнатчилари совет деҳқонлари турмушининг барча масалалари, озиқ-овқат масаласи Президент сифатида мен учун энг устун масалалар эканлигини билишлари керак.

Ана шу барча тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъулиятнинг асосий оғирлиги, табиийки, ҳукумат зиммасига тушади. Айни вақтда муҳим масалалар юзасидан вазифалар, муддатлар ва масъул кишилар аниқ белгилаб қўйиладиган Президент фармонларини қабул қилишга тўғри келади. Ниҳоятда самарали бўлиш керак: кенг қўламли тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятни янги шароитларга қўяди ва дастлабки пайтларда мушкул ҳолатлар бўлиши, кимнингдир манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жамиятда барча туб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликка ва тотувликка эришиш лозим.

Ўртоқлар! Федерациямизни қай тарзда ўзгартириш қайта қуришнинг тақдирига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Энди Президент сифатида мен мамлакатимиз яхлитлигига содиқлигимни яна бир марта тасдиқлайман. Айни вақтда иттифоқдош республикалар суверенитетини, уларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, автоном республикалар, бошқа миллий-территориал тузилмалар мақомини ошириш борасида чора-тадбирлар кўриш Президент ҳокимиятининг алоҳида ғамхўрлик қиладиган соҳаси, деб ҳисоблайман.

Ушбу масалалар хусусида бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ҳозирги реалликларни ва федерациямизни, ҳар бир халқни ривожлантириш эҳтиёжларига жавоб бера оладиган янги Иттифоқ шартномасини дарҳол ишлаб чиқиш керак, деб ҳисоблайман. Бунда ҳар бир республиканинг ўзига хос шароити ва имкониятларини ҳисобга олиб, федератив алоқалар табақалашувини назарда тутиш керак.

Республикалар мустақиллигини ва уларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини тасдиқлаш мақсадида яқин вақт ичида Олий Совет Иттифоқдан чиқиш дастурини муҳокама қилиши ва бу дастур Қонун билан белгиланиши зарур. Президент федерация кенгаши билан биргаликда Олий Совет ҳамкорлигида мана шу барча масалалар билан шуғулланади.

Миллатлараро адоват нелигида вужудга келган мушкул муаммоларни, энг аввало қочоқлар муаммосини ҳал этиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўриш зарур. Бу хусусда тегишли иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг қарорлари, зарур ҳолларда эса Иттифоқ ҳукуматининг ҳам қарорлари қабул қилиниши керак. Умуман бугун биз масалани шу тарзда қўйишга ҳақлимиз. Иттифоқдош республикалар ўз суверенитетларини мустаҳкамлаб ва кенг мустақилликка эга бўла бориб, ўз территорияларида — ўзимизнинг совет нормаларимизга ҳамда халқаро нормаларга мувофиқ, барча миллатларга мансуб кишиларнинг гражданлик ҳуқуқлари таъминланиши учун тўла масъулиятни ўз зиммаларига олишлари зарур. Сиёсий, ҳуқуқий ва моддий масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак.

Кейинги вақтларда миллатчилик, шовинистик ва ҳатто ирқчилик шиорлари тарқалиши хавфи вужудга келди. Бунга қарши мамлакатимиз Конституциясининг, қонунларининг бутун кучини қўллаб, аёвсиз кураш олиб бориш зарур.

Сиёсий ислоҳотнинг бошқа масалалари қаторида, менинг назаримда, биринчи навбатда халқнинг ўзини ўзи бошқаруви тўла ҳуқуқли органлари сифатида Советларнинг бутун янгиланган структураси тезроқ қарор топишига кўмаклашиш вазифаси Президент олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Янги республика Советлари ва маҳаллий Советлар ҳозир Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар туфайли зарур ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар; тез орада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун қабул қилиниши керак. Айни вақтда партия ташкилотларининг Советларга васийлик қилишига, аниқ давлат ва хўжалик масалаларини ҳал этишга бевосита аралашувига чек қўйилади. Бундай шароитда Советлар ўзларининг янги вазифаларини тезроқ ўзлаштириб олиб, тўла куч билан ишлашлари айниқса муҳимдир. Акс ҳолда хатарли ҳокимиятсизлик вужудга келади.

Қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман: Советларнинг янги системасини вужудга келтириш натижасида мамлакат Президенти ўз вазифаларини ижро эта туриб, таяна оладиган механизм вужудга келади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари системасида Президентнинг ролини мен умуман қандай тасаввур қиламан?

Энг аввало, қайта қуриш муқаррарлигининг кафолати бўлиш, ҳуқуқий давлатчиликни, ўзини-ўзи бошқарадиган социалистик жамиятни тузиш ишини қатъий ва ҳеч оғишмай олиб бориш унинг энг муҳим вазифасидир.

Ҳокимиятни бўлиш принципи вазифаларни аниқ белгилаб беришни кўзда тутади. Аммо уларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги имконияти ва заруратини ҳам инкор этмайди. Мен Совет давлати бошқарувининг ва унинг ҳузурида тузилаётган Президент кенгашининг асосий вазифаларидан бири ана шунда, деб биламан. Мазкур ташкилотни давлат тараққиётининг ва ижтимоий тараққиётнинг асосий соҳаларида катта сиёсий арбоблар, мутахассисларнинг коллективи, деб тасаввур қиламан. У ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва зарур бўлиб қолганда шошилинч ечимларни таклиф этади.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, менинг тушунишимча, Президент ўзини қандайдир алоҳида қатлам ёки сиёсий оқимнинг вакили бўлиб деб эмас, балки бутун халқнинг ишончли кишиси деб ҳис этиши ва иш юритиши керак.

Бу, албатта, Президент ўз сиёсий эътиқодидан воз кечиши керак, деган маънони билдирмайди, лекин ғоят холис ва бегараз тарзда жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва қонуний манфаатларнинг бутун кўламини эътиборга олишга тайёрлигини, мамлакат ва халқ фаровонлигини ҳамма нарсадан ҳам устун қўйиб, қасамёдга мувофиқ иш қўришини билдиради.

Шу муносабат билан бу ерда, Съездда ҳам жўшқин, баъзан эса кескин мунозараларга сабаб бўлган масалага тўла аниқлик киритиш керак. Мен Президент билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимларини қўшиб олиб боришни кўзда тутмоқдаман. Бугун ҳам, яқин истиқболда ҳам қайта қуриш манфаатлари бундай ўриндошликни тақозо қилмоқда, деб ҳисоблаётган депутатларнинг фикрига қўшиламан.

Халқ депутатларининг ҳозирги Съезди СССР Конституциясининг 6- ва 7-моддаларига ўзгартиш киритиб жамиятимиз демократиясини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бундан буён КПСС бошқа сиёсий ташкилотлар билан баб-баравар иш кўради, сайловда қатнашади, иттифоқ ва республика ҳукуматларини, жойлардаги ҳокимият органларини демократик усуллар билан тузиш ҳуқуқи учун курашаверади.

Шу муносабат билан Президентнинг ва унинг ҳузурида тузиладиган идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири, менинг назаримда, сиёсий ечимлар ва ижтимоий ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат. Президент ҳокимияти демократизми ижтимоий тафаккур турли йўналишлари вакиллари билан мулоқот ва ҳамкорликни, Президентнинг у ёки бу ташаббуслари ва программаларини ишлаб чиқишда уларнинг қатнашишларини тақозо этади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу биринчи галда СССР халқ депутатларига тааллуқлидир. Менинг назаримда, Президент кенгаши таркибида жуда катта ва масъулиятли роль ўйнайдиган съезд, Олий Совет, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижодий уюшмалар, фан ва маданият муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан алоқа боғлаб турадиган махсус кишилар бўлиши зарур.

Ниҳоят, Президент барқарор жамоат тартибининг, гражданлар ва давлат хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Биз ҳаммамиз ҳозир бошқарув ва ижроия ҳокимиятининг заифлиги ва фаолиятсизлигини бартараф этиш зарурлигини сезиб турибмиз. Бу, аслини олганда, Президент лавозимини жорий этишни кечиктирмаслик сабабларидан бири бўлди.

Жамиятда аҳвол издан чиқаётганлиги хавфи билан боғлиқ хавотирлик кучаймоқда. Мен бунда зўравонлик, муросасизликни, миллий адоватни авж олдириш, турли шартлар ёрдамида давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз мақсадига эришишга уринишларни назарда тутаяпман.

Баъзи гуруҳлар ва арбоблар қўрқувни, граждан уруши, тўнтариш, миллий ҳалокат хавфини ва шу сингари хавф-хатарларни авж олдириш йўли билан ўз қарашларини тиқиштиришга ошкора умид боғламоқдалар. Аммо жамият умуман, мамлакат сиёсатига таъсир ўтказишнинг бундай усулларини қабул қилмайди, қайта қуриш мақсадларига тубдан зид бўлган, ҳали ўзини мустаҳкамлаб олмаган демократиямиз учун хатарли бўлган бундай усулларни рад этади. Жараёнларнинг бундай ривожланишига қатъиян чек қўйиш даркор.

Президент ҳокимиятининг вазифаси — гражданларнинг ҳаётига, мол-мулки, қадр-қиммати ва хавфсизлигига тажовуз қилиш соҳасида ҳам, шунингдек чайқовчилик, пинҳона иқтисодиёт соҳасида ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган тус олган жиноятчиликка қарши қатъият билан курашишдан иборат. Шу мақсадда тегишли қонунлар ижроси устидан қатъий назоратни йўлга қўйиш, зарур фармонлар чиқариш ва, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш талаб этилади. Суд, тергов прокуратураси, прокурорлик назорати, ҳуқуқ ва масъулияти улар ҳал этиши зарур бўлган вазифаларга мувофиқ бўлиши учун уларни ислоҳ қилишни жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Мен масалани шу тарзда ўртага қўяр эканман, ҳуқуқ бузилишига олиб келаётган сабаблар бартараф этилиши учун давлат ва хўжалик идораларининг, барча кадрларимизнинг масъулиятини истисно этмайман. Жиноятчилик кўп ҳолларда ўз илдизи билан хўжасизликка, исрофгарчиликка, мулкка нисбатан ҳурматсизлик муносабатига, моддий қадриятлар, жамоат тартиби зарур даражада ҳисобга олинмаётганлигига бориб тақалмоқда.

Советларнинг янги имкониятларидан фойдаланиш, бу ишга жамоатчиликни жалб этиш, матбуотнинг фаол иштироки зарур тартиб ўрнатиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч қандай ҳокимият одамларнинг биргаликда нормал яшаши учун зарур бўлган ахлоқий негизларни ўзгартиришга қодир эмас. Ўтмишда мамлакатимизда аслида маънавийликни назарписанд қилмай, уни идеализм деб ҳисоблаганлар, эндиликда эса бу бизга ғоят қимматга тушмоқда. Биз ғоят кенг маънода меҳнатга, илм-фанга, таълимга, санъатга, маданиятга бошқача, виждонан муносабатда бўлишимиз зарур. Барча маънавий қадриятлар жамиятнинг тўлақонли мавжудлиги ва ривожланишининг ҳаётий зарурати сифатида тушунилиши учун шарт-шароит яратиш керак.

Халқларимиз ўзларининг узоқ тарихи мобайнида, жумладан Совет даврида тўпланган ғоят бой маданий бойлигимизга таяниб, жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлиб, жамиятдаги инсоний муносабатлар бутун муҳитини яхшилаш, Ватанни фаровон қилишга интилаётган барча кишиларни бирлаштириш зарур.

Биз буни ҳали чинакамига англаб етмаган кўринамиз. Гуруҳбозлик жанжаллари жамиятимизни кемирмоқда. Айниқса, зиёлилар орасида низолар ўч олишгача бориб етмоқда. Зиёлиларимиз мамлакат тарихининг мана шу қалтис бурилиш босқичида кўп иш қилишлари лозим. Кимлардир жамиятда бирлик бўлишини ва унинг мақсадга мувофиқлигини умуман шубҳа остига қўймоқда. Мен бу фикрга қўшилмайман. Қийин дақиқаларда ҳамиша халқ тўсиқларга қаршилик кўрсатиш, уларни бартараф этиш учун ўз кучларини тўплайди. Одамлар ўзларининг маънавий мураббийлари деб билган кишиларнинг вазифаси эса — ана шундай бирликка бутун чоралар билан ёрдам беришдан иборат.

Бугунги кунда қайта қуришга ҳалақит бераётган барча нарсаларни бартараф этиш учун унинг сиёсати ва ғоялари теварагида бирлашиш зарур, албатта.

Ташқи сиёсат тўғрисида. Кейинги йилларда ташқи сиёсатимиз реализм ва соғлом фикр синовидан ўтди. Дастлабки ёндашув «совуқ уруш»га чек қўйиш ва бевосита уруш хавфини бартараф этиш имконини берди. Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсеварлик сиёсати моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллади. Шунинг учун мен ташқи сиёсатимизга нисбатан бирёқлама, баъзан масъулиятсиз ҳужумларни қатъиян рад этаман. Халқ депутатларининг биринчи Съезди совет халқи номидан ташқи сиёсатга оид маълум қарорни қабул қилиб, уни амалга оширишнинг кафолати бўлди. Президентнинг барча хатти-ҳаракатлари ана шу қарорнинг ҳарфи ва руҳига қатъиян мос бўлиши лозим.

Жаҳон тараққиётининг бурилиш босқичида, урушдан кейинги ҳарбий-сиёсий мувозанат структураси муҳим ўзгаришларга дуч келаётган пайтда бизда Президент муассасаси жорий этилмоқда. «Совуқ уруш»га барҳам берилди, бироқ ҳарбий мухолифлик ҳали бартараф этилмаган. Шунинг учун ҳавфсизликни таъминлашнинг сиёсий усуллари шубҳасиз устун бўлган шароитда оқилона етарлилик ва янги ҳарбий доктрина принциплари асосида мамлакатнинг мудофаа сиёсатига раҳбарлик, СССР Қуролли Кучлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам Президент фаолиятида сўзсиз ўрин олиши керак. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Мен эндиликда Президент сифатида шундай бўлади, деб сизларни ишонтиришни истайман.

Ҳозирги вақтда биз ҳарбий соҳада ҳам чуқур ислоҳотни амалга оширишимиз зарур. Бу борада катта турқумдаги мураккаб масалаларни ҳал этишимизга тўғри келади ва бу Президентнинг, Президент кенгашининг, ўз-ўзидан равшанки, СССР Олий Совети билан ҳамкорликдаги муҳим юмушларидан бири бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, халқ депутатлари Съезди тасдиқлаган принципга — Олий Совет ёки Съезднинг рухсатисиз мамлакат ташқарисида қуролли кучларни қўлланиш қатъиян ва то абад истисно қилинишини принципига содиқ эканлигимни тасдиқлашни истайман. Ташқаридан қўқисдан ҳужум бўлганидагина бунга амал қилмаслик мумкин.

Яқин вақт ичида ташқи сиёсат соҳасида нима ишлар қилиниши керак? Катта натижаларга эришиш мақсадида қурол-яроғларнинг барча асосий турлари юзасидан музокаралар жараёнини жўшқинлик билан олдинга силжитиш асосий вазифалардан биридир. Шу йилнинг ўзидаёқ бундай натижаларга эришилса яхши бўларди.

Вашингтонда Президент Буш билан бўладиган учрашувга катта ечимлар тайёрланмоқда. Бу ечимлар Совет — Америка муносабатларини яхшилашда янги қадамни билдирибгина қолмай, жаҳон сиёсатининг ижобий тенденцияларини мустаҳкамлашда икки буюк давлатимизнинг муҳим ҳиссасига ҳам айланди. Шарқий Европада биз билан иттифоқчи бўлган барча олти мамлакатда тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлди. Улар билан тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўз йўлини ўзи танлаш эркинлиги принциплари асосида муносабатлар ўрнатиб, бу муносабатларда янгича тафаккурга зид бўлган барча нарсаларни чиқариб ташлаб, неча ўн йиллик қалин мулоқотда тўпланган барча қимматли, чинакам тараққийпарвар қадриятларни сақлаб қолиш муҳимдир.

Германия масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масала ҳозир Европа сиёсатининг марказидадир. Шу кунларда позициямизни кўп маротаба баён этиб беришимга тўғри келди. Позициямиз халқимизга ҳам, барча манфаатдор томонларга ҳам яхши маълум. Унинг моҳияти шундан иборатки, немисларнинг табиий бирлашиш ҳуқуқи амалга оширилиши Германия территориясида уруш хавфини батамом ва абадул-абад бартараф этиши керак. Бошқа барча жиҳатлар — тўрт давлатнинг ҳуқуқи ҳам, чегараларнинг бузилмаслиги ҳам, Умумевропа жараёни билан алоқа ҳам, Германиянинг НАТОда бўлиши номақбуллиги ҳам, иккинчи жаҳон уруши якунлари юзасидан сулҳ шартномаси зарурлиги ҳам шундан келиб чиқади.

Халқаро воқеаларнинг жадал ривожи АҚШ ва Канада иштирокида шу йилнинг кузида олий даражадаги умумевропа учрашувига янгича аҳамият касб этади. Европа марказида бирлашган Германия вужудга келаётганини ҳисобга олиб, блок системасини хавфсизлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик коллектив органлари билан алмаштириш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти келди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ «Хельсинки-икки»га қараб йўл тутишимиз керак, бу шартнома халқаро муносабатлар тарихидаги икки даврни боғлаши мумкин.

Бир қанча нуфузли мамлакатлар қўшма баёнотлар ва ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир ўнлаб битимларни имзолади. Бу ҳужжатларга ўзаро содиқлик — барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг, Европада эса — «Умумевропа хонадони» сари реал ҳаракатнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу билан биз маҳкам боғландик. Президент мазкур ҳужжатлардаги принципиал ва амалий тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилишга ҳақлидир.

Янгича фикрлаш сиёсати ривожланаётган мамлакатларга қизиқишимиз сусайганини билдирмайди. Тенг ҳуқуқ учун, ижтимоий тараққиёт, демократия ва инсонга муносиб турмуш учун кураша ётган давлатлар билан бирдамлигимиз ўзгармасдир.

Осиё — Тинч океани йўналишида Владивосток ва Красноярск ташаббусларини изчиллик билан амалга ошириш, уларни аниқ, амалий муносабатлар майдонига ўтказишга тўғри келади.

Бизни буюк Ҳиндистон билан кўп йиллик мустаҳкам ҳамкорлик боғлаб турибди. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик яхши ривожлана бошлади.

Европада ва Осиёда тинчликсевар ҳамжамиятларни вужудга келтириш жараёнлари, менинг фикримча, охир-оқибатда бутун Европа ва Осиё кенглигида хавфсизликнинг ягона системаси билан якунланиши керак.

Яқин Шарқдаги вазиятни жиддий англашга, биз учун, бутун жаҳон ҳамжамияти учун муҳим бўлган регионда фаол сиёсатимизни тиклашга тўғри келади.

Лотин Америкаси ташқи сиёсий алоқаларимизда борган сари каттароқ ўрин эгалламоқда. Бу ерда ҳам халқаро тараққиётнинг ижобий тенденцияларини биргаликда кучайтириш имконияти вужудга келмоқда.

СССРнинг жаҳон-хўжалик алоқалари системасига қўшилиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги халқаро куч-гайратларда иштирок этиши муаммоси доимо Президентнинг диққат марказида бўлиши керак.

Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ошиб бораётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бениҳоя аҳамиятини яна тасдиқлашни истардим. БМТ ролининг тикланиши ва унинг бунёдкорлик вазифалари кучайиши инсоният тарихида тинч давр сари ҳаракатнинг энг муҳим омиллари эканлигига ишончим комил.

Сўзимни якунлаб, шуни айтишни истардимки, барчамиз, юздан ортиқ халқларнинг ўғил ва қизлари ўз миллий ва маданий анъаналаримиз билан, беназир хусусиятларимиз билан ягона хонадонда яшаяпмиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти лавозимининг роли ва вазифаси мамлакатда миллий тотувликни, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳини қарор топтиришдан иборат, деб биламан. Гражданлар осойишталиги принципларини қарор топтириш, халқ манфаатларини баён этиб, ҳимоя қилиш — СССР Президенти сифатида мен учун энг олий мақсад ва муқаддас бурчдир.

Халқимизга, унинг ирода-сига, ахлоқига, ақл-заковати ва билимига, унинг соғлом идрокига таянмай туриб, Президент ҳокимиятини ижро этиш билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни тасаввур қила олмайман.

Қайта қуришни илгари суришга ҳал қилувчи ҳиссасини қўшаётган ишчилар синфининг мададига умид қиламан.

Ер юзида чинакам ҳўжайин бўлган совет деҳқонларининг бунёдкорлик кучига ишонаман, унинг меҳнатига эрк бериб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этамиз.

Ақл-заковат ва маънавий қудрат кучини талаб қилувчи қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этган ва ҳал этадиган фан ва маданият арбобларига, бутун совет зиёлиларига ўз фикрим ва нигоҳимни умидворлик билан қаратаман. Ёшлардан, масъулиятли сиёсий қарорлар қабул қилишда, уларни рўёбга чиқаришда йигит ва қизларнинг реал иштирокидан, ёшликнинг бунёдкорлик куч-гайратидан умидим катта.

Мен катта авлоднинг донолигига ва умум иши учун бутун умрлари давомида синовдан ўтган ғамхўрлигига, унинг Советлар ҳокимияти обрў-эътибори мустаҳкамланишидан манфаатдорлигига доимо таяна олишимга ишонаман.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари сафларида ўз бурчини ҳалол ado этиб, мамлакатимиз ичида тинч ўзгаришларнинг мустаҳкам кафолатини яратаётган кишиларга ҳам мурожаат қиламан.

Президент сифатида мамлакатимиздаги энг нуфузли сиёсий куч бўлган коммунистлар партиясига ўзининг XXVIII съездига Ҳаракат дастурини амалга оширишда муваффақиятлар тилайман. Партия эълон қилган программавий мақсад — инсонпарвар мақсад, демократик социализм халқ орзу-умидларига, унинг очиқ, демократик, адолатли ва гуллаб-яшнаётган жамиятда яшашга интилишига мос келади.

Мамлакатимиз оғир даврни бошидан кечирмоқда. Лекин агар биз ғайрат-шижоат билан, аҳил ҳаракат қилсак, албатта ана шу қийинчиликларни бартараф эта оламиз.

Қўрқув ва тушкунликка барҳам бериб, ўз кучимиз ва имкониятларимизга ишонч билан қарашимиз керак. Куч ва имкониятларимиз эса жуда катта. Рус халқи ва у билан кўп миллатли буюк давлатга бирлашган бошқа халқлар ўзларининг умумий ватанини тиклай оладилар. Ва албатта, қайта қуриш ҳамда социалистик янгиланиш йўлларида бунга эришадилар.

1990 йил 4 март куни ўтказилган такрорий овоз беришда Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати

Абдуллаев Асқар Аъзамович — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси йўл касаба уюшмасининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 26-Кафанов сайлов округидан.

Аъзамхўжаев Алишер Анварович — «Миконд» заводи партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 39-Янги турмуш сайлов округидан.

Емельянов Андрей Борисович — юк ташиш бўйича Тошкент дирекцияси «Ўзбекистон» станциясининг бошлиғи, Тошкент шаҳри, 25-Ленин сайлов округидан.

Желтоухов Виктор Михайлович — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 27-Темир йўл сайлов округидан.

Эргашев Ботир Қодирович — ипгазлама ишлаб чиқарувчи тўқимачилик комбинатининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 46-Тўқимачилик сайлов округидан.

Кабанов Сергей Анатольевич — Тошкент трактор заводининг инженери, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 23-Улуғбек сайлов округидан.

Қодиров Бахтиёр Асадуллаевич — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги педиатрия илмий-тадқиқот институти жигар паталогиясини ўрганиш бўлимининг раҳбари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 45-Фрунзе сайлов округидан.

Мирзиёев Шавкат Миромонович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 22-Қорасув сайлов округидан.

Мирсаидов Мирзиёд — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институтининг илмий ходими, Тошкент шаҳри, 20-Яланғоч сайлов округидан.

Муҳаммадқулова Муяссар — 10-туғруқхона бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 42-Карбишев сайлов округидан.

Нусратов Шуҳрат Тухватович — халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 21-Циолковский сайлов округидан.

Тожиходов Лутфулла — Тошкент темир йўл станцияси клиник касалхонасининг бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 48-Сельмаш сайлов округидан.

Тўлаганова Тоиба Маҳкамовна — Тошкент политехника институти фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри, 5-Назарбек сайлов округидан.

Файзуллаев Равшан Фатхуллаевич — Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 8-Марказий сайлов округидан.

Фузайлов Фарҳод Зиёдуллаевич — 340-округ ҳарбий госпитали бўлинмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 19-Виноковольт сайлов округидан.

Юсупов Акбаржон — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмасининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 15-«Ўзбексельмаш» сайлов округидан.



⊙ ШИРИНПАЗ. Киров район ошхоналар тресгига қарашли 4-ошхона қандолат цехининг нишчиси Мавлуда Серликбоева. Т. Каримов фотоси.

«БОБУРНОМА» ЁЗИЛГАНЛИГИНИНГ 460 ЙИЛЛИГИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган «Бобурнома» китоби ўзбек адабиётида ҳасбн ҳол йўсинида яратилган дастлабки асар ҳисобланади. Унинг ёзилганига 460 йил бўлди.

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида шу санага бағишланган кеча ўтказилди. Кечага Бобур истеъдодининг ихлосмандлари, носирлар ва шоирлар, олимлар, адабиётшунослар, талабалар, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари келишди.

Ёзувчи Пиримқул Қодиров Бобур ва унинг «Бобурнома» асари ҳақида кириш нутқи сўзлади.

Асли Фарғона водийсидан бўлган Бобур тарихга адиб, давлат арбоби, қўмондон, Ҳиндистонда Буюк мўғуллар сулоласининг асосчиси сифатида кирган. У ўзининг дастлабки катта ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳасби ҳол йўсинидаги асарида 1493 йилдан бошлаб 1529 йилгача ҳаётида рўй берган турли воқеаларни акс эттирган. Уч бўлимдан — Фарғона, Қобул, Ҳиндистон бўлимларидан иборат китобда жанговар юришлар, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон табиати ва қишлоқ турмушининг манзаралари ёркин акс этган, феодал даври зодагонларининг турмуши, ўша даврнинг урф-одатлари ва таомиллари тасвирланган. П. Қодиров Бобурнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирар экан, Карамзиннинг «Россия давлатининг тарихи» китобида эслатиб ўтилган умрбоқий бобокалонимизнинг ҳасби ҳолидаги қизиқ бир воқеа устида тўхталди. Бобур китобни ёзиб тугаллаган, Ҳиндистонга ҳукмрон бўлган 1530 йилда Русия билан дўстона алоқалар ўрнатиш, айни пайтда рус халқи билан алоқаларга қай даражада муҳим аҳамият берилаётганлигига шама қилиб, ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи Хожа Ҳусайнини элчи сифатида Москвага юборган эди.

«Бобурнома»нинг кўп тилларга таржима қилинганлиги, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Германия, Англия бошқа мамлакатларда нашр этилганлиги бу асарнинг байналмилал аҳамияти қай даражада эканлигидан далолат беради. Америкалик олимлардан Вильямс Эрскин, Стени Лейнпул, Рашбрук Вильмяс Бобур ижодини тадқиқ этганлар. Атоқли ҳинд мунажжими Муни Лаъл олти китобдан иборат катта асар ёзган. Кечада «Бобурнома» ёзилганлигининг 460 йиллиги республикамиздагина эмас, айни вақтда бутун Ўрта Осиё регионида кенг нишонланажаги таъкидланди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Бобур ҳақида гапириб, унга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Кечада ўзбек адабиёти атоқли намояндасининг шеърий асарларидан парчалар янгради. Ўзбекистон санъат усталари Бобур рубоийлари ва ғазалларига басталанган қўшиқларни ижро этдилар.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК, АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРАЙЛИК

16 март куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда тармоқнинг асосий вазифалари сифатида республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси қулайлиги учун барча шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириб бориш, маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби масалалар тўғрисида сўз борди. Тўпланганлар ҳузурида республика маиший хизмат кўрсатиш министрининг биринчи ўринбосари Н. Хураков доклад қилди.

Ўтган беш йиллик мобайнида тармоқнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасида ишлаётган коллективлар жиддий вазифаларни ҳал этишлари зарур.

Йиғилишда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш тармоқ меҳнат коллективларига ўткир муаммоларни ҳал этишда, Ўзбекистон аҳолисига хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан янги погонага кўтаришда ёрдам бериш таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумни Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди.

(ЎзТАГ).

Анъаналар—халқ мулки

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ ФАЙЗИ

⊙ Меҳнатсевар ва ақлн зукко халқимизнинг кўпдан-кўп анъанавий байрамлари борки, булар халқимиз ғайрат-шижоатининг, одоб-маданиятининг рамзи бўлиб келган.

НАВРЎЗ — халқ байрами. Моҳияти жиҳатидан у байналмилал байрам эканлиги минг-минг йиллардан бери исботланиб келинмоқда. Бинобарин, Наврўз байрами ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг «Китобат тавҳум», «Қадимги халқлардан келган ёдгорликлар» асарларида маълумотлар берилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида Наврўз байрамига бағишланган халқ лирик қўшиқларидан намуналар учрайди. Улуғ аллома Алишер Навоийнинг ижодиётида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома»сида Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Наврўз байрамини ўтказиш учун жойларда айни кунларда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан,' байрам олдидан маҳаллаларда ва кўчаларда ободончилик ишлари олиб борилади. Байрам ўтказиладиган жойлар: майдон, парк, стадион, клуб, маданият саройлари чиройли безатилади.

Наврўз диёримизда яшаётган ҳар бир миллат ва элатнинг ҳақиқий байрамидир. Уни чиройли этадиган томонларидан яна бири — миллий кийимлар ва миллий таомлардир. Байрам ўтадиган жойларда куй, қўшиқ, рақс, алла, лапар, аския, шеърхонликларнинг уюштирилиши унинг файзига файз қўшади.

Билол АМИНОВ,
Зоҳир ШОКИРОВ,
республика маданият ходимлари малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчилари.





МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА



НАВРЎЗ байрами арафасида пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Каттабоғ» маҳалласида сумалак пиширилди. Бу шодиёнани «Наврўз бойчечаги» деб атадилар.

Тошкент Давлат дорилфунуни доценти, тарих фанлари номзоди Мушарраф Қосимова маросим қатнашчиларига халқимизнинг қадимий анъаналари ҳамда Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида сўзлаб берди. Таниқли кинорежиссёр Малик Қаюмов, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзларининг раиси Муҳайё Тўлагановалар ҳам дил сўзларини айтишди. Истеъдодли шоира Муҳтарама Улуғова эса баҳор ва гўзалликка бағишланган янги шеърларидан ўқиб берди.

— Ўзбек халқи азалдан меҳмондўстлиги, меҳр-оқибатлиги билан машҳур, — деди маҳалла оқсоқолларидан бири Раҳим ота Халилов.— Бугунги айём ҳам ота-боболаримиздан қолган энг яхши удумларимиздан биридир. Бундай анъана халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарликни мустаҳкамлайди.

Маросимда А. Навоий номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Зулхумор ЖУРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: «Наврўз бойчечаги» шодиёнасидан лавҳалар.

Н. Усмонов суратлари.

ҒОЛИБЛАРНИ СОВҒА КУТАДИ

Бизнинг Киров районига қарашли Юнусобод даҳасида жойлашган Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли маҳаллада ҳам Наврўз айёмини кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Маҳалла комитети аъзоларининг навбатдаги йиғилишида Наврўзни ўтказиш комиссияси сайланди. Маҳалла комитети раиси Абдусаттор Қодиров, саксон ёшли нуроний отахонларимиз Мақсум ота, Оловуддин ота, Сайидвали оталар ҳамда маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Гулнора Аҳмедовалар комиссия аъзолари этиб тайинланишди. Тадбирлар режаси тузиб чиқилди. Табаррук оналаримиз сумалакни сузишга тайёрлайдилар. Маҳаллада истиқомат қилувчи опа-сингилларимиз турли пиширик таомлар тайёрлайдилар. Ушбу ширин таом ғолиблари аниқланиб, уларга Наврўз совғаси топширилади.

Кунниг иккинчи ярмида байрам дастурхони атрофида жам бўлинади, ширин суҳбат, ўйин-кулги бошланади. Айёмни серзавқ ўтказиш учун Мукаррама Турғунбоева номли «Баҳор» давлат ансамбли раққоса қизлари ташриф буюришади. Шунингдек атрофдаги маҳаллалардан ҳам меҳмонлар келишади.

Этамназар ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли маҳалла комитети раиси, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



«НУР» ВА «МЕҲНАТ» ТУҲФАСИ

⊙ Шонли сана 21 март — Наврўзи олам байрами яқинлаб қолди. Жумҳуриятимизнинг барча ҳудудларида Янги йил байрами — Наврўзи оламни зўр шодиёналик билан нишонлаш учун катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу айём кунларида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси аъзоларининг баҳоли-қудрат хизматлари ва ташаббуслари асосида кенг жамоатчиликка бағишланган катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга молик бўлган қатор рисолалар чоп этилмоқда. «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Наврўзи олам бугун» (тузувчи: тарих фанлари номзоди Шавкат Миралимов) тўпламида Наврўз тарихи, ҳозирги пайтда жойларда янги баҳор байрамининг нишонланиши, унга ғайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича жумҳуриятимизда вужудга келаётган тажрибалар билан ўртоқлашилади.

Тўпламдаги «Наврўз тарихидан», «Наврўз куни», «Баҳор олам кезади», «Наврўз назм қанотида» номли бўлимларда жумҳуриятимиздаги таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистларнинг йигирмадан зиёд мақолалари ҳамда «Наврўз ҳақида халқ қўшиқлари»дан сақкизтаси келтирилади. Шунингдек, тўпламга бошқа мамлакатларда (масалан, Британия оролларида) баҳор фаслида нишоланадиган байрамлар тўғрисидаги мақолалар ҳам киритилгани фойдадан ҳоли эмас.

Куни кеча адабиётшунос Урфон Отажоновнинг таржимонлигида «Меҳнат» нашриёти томонидан ўрта Осиё (турон)-нинг буюк риёзиётчиси, тарихчи-этнографи, файласуф ва мунажжим олими, жаҳон шеърияти осмонининг ёлқин юлдузларидан бири, забардаст форстожик классик шоири — рубоийнависи Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим — Ҳайёмий Нишопурий (1048 — 1132)нинг «Наврўзнома»си чоп этилди. Тарихчи-этнограф Умар Ҳайёмнинг мазкур рисоласида Наврўз байрамининг келиб чиқишидан, шунга боғлиқ авлод-аждодларимизнинг урф-одатларидан қизиқарли ҳикоя қилинган бўлиб, у кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади.

Суннатулла РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди.



Бир яламдан сумалак

Ҳамал раис сайланди,
Қозон-товоқ айланди,
Табиатнинг гулқанди,
Бир яламдан сумалак.

Хизрни кўрган балки,
Ҳижрийдан ҳам аввалги,
Ҳушлуқумдай, эртаги
Кўкламдан сумалак.

Тилла баргакли толлар,
Соқолин силар чоллар,
Тўғри келгандек фоллар,
Бий даламдан сумалак.

Ҳурлар дурраси гулли,
Хотин-халаж тугунли,
Ўчоқвоши тутунли,
Қайнанамдан сумалак,

Сулувлар тилла қошлиқ,
Янга момоси бошлиқ,
Қут оёқли, туз-ошлиқ,
Гулсанамдан сумалак.

Бир яламдан сумалак,
Кўкаламдан сумалак,
Бий даламдан сумалак,
Қайнанамдан сумалак,
Гулсанамдан сумалак...

Султон АКБАРИЙ.

Турфа олам

ҲОҚОН БЕВАСИНИНГ ДАЪВОСИ

Пекин шаҳрининг суд органларига Хитойнинг сўнгги ҳоқони — 1909 йилдан 1911 йилгача мамлакатда ҳукмронлик қилган Пу Ининг беваси Ли Шуяндан шикоят тушди. Синьхуа агентлигининг хабар қилишига қараганда у Ли Вэнднинг ҳаммага маълум «Ҳоқондан фуқарогача» китобини нашр этишда муаллиф ҳуқуқлари бузилганлиги муносабати билан даъво қилмоқда. Ҳоқоннинг беваси шаҳар судида сўзга чиқиб, 1964 йилда чоп этилган китоб марҳум эрининг баъзи таржимаи ҳолидан иборат қисса бўлиб, бундан келиб чиқувчи барча муаллиф ҳуқуқлари ҳам Пу Ига тегишли бўлиши керак. Мазкур қисса биринчи нашрига ҳеч қандай тузатиш киритилмай тўққиз марта қайта чоп этилган.

ОКЕАН ТОЗАЛИГИ ЙЎЛИДА

Америка Қўшма Штатларида пластик қопчаларга солиниб океанга ташланаётган чиқиндиларни камайтириш йўлида изчил кураш олиб борилмоқда. Сабаби, пластик қопчалар минг-минглаб денгиз мавжудотларининг, қушлар ва балиқларнинг ҳалокатига олиб келаяпти. Эндиликда ана шу муаммога доир давлат дастурига 1992 йилга келиб, ҳарбий-денгиз флотига пластик қопчаларда чиқиндилар ташлашни мутлақо ман этувчи банд киритилди. Ҳозирданоқ кемаларга пластик қопчаларни етказиб бериш юзасидан илгари тузилган шартномалар бекор қилинмоқда. Агарда ҳозир кема командаси чиқинди солинган пластик қопчаларни соҳилдан 25 миля узоқлашганидан кейингина денгизга ташлай олса, 1992 йилдан бошлаб қопчалар кема портга етиб келгунига қадар сақланади. Шундан кейин чиқиндилар қайта ишланади ёки кўмиб юборилади.

СУВ ИЗЛАБ—ПОЛИЦИЯЧИЛАР ҲУЗУРИГА

Яқинда Перунинг пойтахти Лима кўчаларидан бирида ғайритабиий манзарани кузатиш мумкин эди: одатда полициячиларнинг сувотар машинасини четлаб ўтишга ҳаракат қилувчи одамлар индиш кўтариб олиб, бу ерда кўпроқ жамоат тартибини ўрнатиш учун фойдаланиладиган дахшатли машина томон ошиқишарди. Бунинг ҳеч қайратланадиган томони йўқ экан — шунчаки Лима маъмурларн сувотар машинадан шаҳарнинг қашшоқлар яшайдиган районларида ичимлик сувнинг етишмовчилигини бироз бўлса ҳам юмшатиш мақсадида оддий автоцистерна ўрнида фойдаланишибди. Сув таъминотидаги узилишлар Перу пойтахти учун чинакам ижтимоий муаммо бўлиб қолган. «Комерсио» рўзномасининг маълумотларига кўра, 3 миллиондан зиёд киши — шаҳар аҳолисининг қарийб ярми сув етишмовчилигидан азоб чекмоқда.

КИНО ЮЛДУЗИНИНГ ЯНГИ ИХТИСОСЛИГИ

Италиянинг машҳур кино актрисаси Орнелли Мутти эндигина 33 ёшга тўлди. Шунга қарамай яқинда — у кино соҳасидаги муваффақиятли фаолиятининг 18 йиллигини нишонлади. Муттининг ўзи айтишига қараганда, келажакда у... вино ишлаб чиқарувчи фирманинг бошлиғи бўлишни орзу қилар экан. У сўз билан иш бирлигига амал қилмоқда — яқинда кино юлдузи Пьемонтда ажойиб узумзори бўлган 30 гектарли майдонни сотиб олди.

РЕКОРДЧИ ЗОҒОРАБАЛИҚ

Кубанинг Камагуэй вилоятида жуда катта — вазни 57,5 килограммга тенг олачипор зоғорабалиқ тутиб олинди. Унинг узунлиги ўртача одамнинг бўйига тенг келади. Бу ана шу зот балиқлар Совет Иттифоқидан Карибе денгизидаги оролга келтирилганидан бери тўрга тушган энг катта зоғорабалиқ ҳисобланади. 1988 йилда Гавана яқинида овланган аввалги энг катта балиқнинг вазни атиги 43 килограмм эди.

Шаҳримиз сув манбаларида

Зилол ранги йўқолмасин

⊙ Тошкент шаҳримиз тоғлар этагига жойлашган. Унинг жанубидан кўҳна Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Ана шу ўктам дарё Чорвоқ атрофида Чотқол, Пском, Угом, Кўксув кабн тоғ дарёлари ва ўнлаб жилға сойлар қўшилиши билан Ғазалкент шаҳарчасидан бошлаб, Тошкент қон томирлари сингари тирикликнинг бебаҳо неъмати — об-ҳаётни олиб келади.



ЧИРЧИҚ шаҳарга яқинлашган сари бир неча анҳорларга таралади. Бу анҳорлар шаҳар ичидаги кўплаб маҳаллалардан оқиб ўтиб, дала-боғларни яшнатишга ва ноз-неъматлар яратишга отланади. Шаҳримиз анҳор ва ариқларидан оқиб ўтадиган зилол сув боғ-томорқаларимизни суғоради, ҳавони мўътадиллаштиради, шарқираб-шилдираб оқиши ҳордиқ чиқаришга паром келади, дилларга ва кўзларга ором беради.

Шаҳримиз маҳаллаларидан оқиб ўтадиган юзлаб анҳор ва ариқлардан баъзилари ҳақида маълумотлар берамиз.

⊙ БЎЗСУВ. Бу анҳор шаҳарнинг энг катта сув тармоқларидан бири бўлиб, узунлиги 160 километрдан зиёд, асоси Чирчиқ дарёсидан бошланади. Бўзсувдан бир қанча оби-ҳаёт тармоқлари тарқалади.

⊙ КАЙКОВУС. Бу сув манбаи эски шаҳарнинг шимол томонидан ўтган қадимги анҳор. VI—VII асрларда Бўзсув катталаштирилиб, ундан Кайковус ариғи чиқарилган. Бу анҳор ҳозирда Киров, Собир Раҳимов ва Октябрь районларидаги кўплаб маҳаллалардан оқиб ўтади.

⊙ ҚОРАСУВ. Бу анҳор Бўзсув каналидан Оққовоқ шаҳарчасида ажралиб чиқиб, шаҳарнинг тўрт районидаги маҳалла-мавзеларидан ўтиб, 37 километр масофагача боради.

⊙ САЛОР. Шаҳар об-ҳавоси мўътадиллигига катта таъсир кўрсатадиган йирик анҳорлардан бири. Бу ҳам Бўзсувдан ажралиб чиқади ва 65 километр масофани босиб ўтади.

Шаҳримиз бағрида, булардан ташқари, ўнлаб катта-кичик анҳор-ариқлар бор. Улардан Бўрижар, Анҳор, Чинқириқ, Қорақамиш, Қонқус ва бошқа сув манбалари шаҳримизнинг ҳавосини мўътадиллаштиришда, яшил оламни яшнатишда, сўлим соҳилларда одамлар ҳордиқ олишида бебаҳо «хизмат» қилади. Бу сув манбалари ҳар бир хонадонга нур-зиё, дала-боғларга таралиб дастурхонимизга ноз-неъмат беради.

Лекин, минг афсус билан айтамизки, ана шу сув манбаларини «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Средазкабель», «Средазэлектроаппарат», қўнмўйна заводлари, қоғоз комбинати каби ўнлаб корхона, бирлашма ва бошқа муассасалар булғамоқда. Айни пайтда Кайковус, Салор, Бўрижар, Бўзсув, Қорақамиш анҳори соҳилларига жойлашган кўплаб маҳаллаларда сувга ахлат, турли чиқиндилар ва мағзава-оқавалар ташланмоқда. Бундай ачинарли аҳвол айниқса Кайковус анҳорида юз бермоқда. Кексалар илгари ҳатто «сувга тупуриб бўлмайди» дейишарди, эндиликда ҳожатхоналар сувга оқизилаётганига нима деса бўлади?

Шаҳардан ифлосланиб чиққан сувлар билан далаларда етиштириладиган мева ва сабзавот суғорилиши, у зарарланган бўлса одамлар саломатлигига аста-секин таъсир кўрсатиб, оғир касалликларга олиб келишини ҳам ўйлаб кўрайлик.

Шаҳримизнинг ҳамма анҳор ва ариқларидан баҳор осмонидек кўм-кўк зилол сувлар оққан пайтларни эслайлик, ҳавас қилайлик, ҳар биримиз сувнинг тозалиги учун курашайлик.

Тўлқин АШРАФХОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУТЛАҚ НАТИЖАЛАР КИТОБИГА ДАЪВОГАРЛАР



Спортда

⊙ Жумҳуриятимизда баландликка сакрашда эришилган ЭНГ юқори натижа тошкентлик Родион Гатауллинга тегишлидир. У ўтган йили 6 метр 02 сантиметр баландликни «забт» этди.

⊙ Ҳамшаҳримиз, халқаро классдаги СССР спорт устаси Татьяна Бирюлина 1980 йилда ўтказилган йирик мусобақада отган найзаси 70 метр 09 сантиметр масофага бориб тушди. Бу ўзбекистонлик аёллар кўрсатган натижалари орасида ЭНГ яхшисидир.

⊙ Баскетбол бўйича олий лига аёллар командалари ўртасида Тошкентнинг «Таштекстильмаш» командаси 1961 йили ўз тарихида ЭНГ юқори ўринга кўтарилди. Ўшанда машинасозлар бешинчи ўринга кўтарилишганди.

⊙ Эркаклар ўртасида эса «Университет» 1985 йили шу натижани қайд этди.

⊙ «Пахтакор» тарихида ЭНГ омадли бўлган йиллар 1962 ва 1982 йилги мавсумлардир. Ҳамюртларимиз ўшанда чемпионатни 6 ўрин билан якунлашган.

⊙ 1968 йилда эса СССР кубогининг финалига чиқишган ва ҳал қилувчи «жанг»-да Москва торпедочиларидан (0:1) енгилишган.

⊙ «Автомобилист» волейболчи қизларимиз учун ЭНГ сермаҳсул йил — 1976 йилдир. Шу мавсумда тошкентликлар бронза медаллари соҳиби бўлишди.

⊙ 1979 йили улар яна бир зафар қучишди: СССР кубоги соҳиби бўлишди.

⊙ Ўзбекистонда ЭНГ катта спорт иншооти — «Пахтакор» спорт комбинатидир. Ундаги стадион 55 мингга яқин томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

⊙ Ўлкамиз тарихида беҳисоб паҳлавон ва баҳодирлар яшаб ўтишган. Шулар ичида ЭНГ машҳурларидан бири Паҳлавон Маҳмуддир. Ўша пайтдаёқ унинг довруғи ҳамма ёққа машҳур эди. Шунингдек, у забардаст шоир ҳам эди. Паҳлавон Маҳмуд асли урганчлик бўлиб, 1243 йили туғилган ва 1326 йили вафот этган.

Жуғрофий маълумотлардан

⊙ Жумҳуриятимизда ЭНГ катта кўмир кони — Оҳангарон кўмир конидир.

⊙ Шунингдек, ўлкамизда шаршаралар ҳам анчагина. Шулар ичида ЭНГ каттаси Арслонбобдаги шаршарадир. У қарийб 300 метр баландликдан тушади.

⊙ Маълумотларга кўра ЭНГ кекса дарахт Бойсун районидаги Сайроб қишлоғидаги чинор экан. Унинг экилганига салкам 700 йил бўлган.

⊙ В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунида ЭНГ катта глобус сақланади. Бу Реле-Ландшафт глобусининг диаметри 196 сантиметр, айланаси 6 метр, оғирлиги эса 490 килограммдир.

⊙ ЭНГ чуқур кўчма Бухоро вилоятидаги Мингбулоқ (—12) чўкмасидир. У Бўкантоғ-Етимтоғ орасида жойлашган.

⊙ ЭНГ баланд довон — Қурама тизма тоғидаги Камчик довонидир. Унинг баландлиги 2268 метр.

ва биринчилар

⊙ Обид Содиқов ўзбек олимлари ичида биринчи бўлиб СССР Фанлар академияси академиклигига сайланган.

⊙ Тошмуҳаммад Қорниёзий эса зиёлилар орасидаги биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

⊙ Ҳабиб Абдуллаев Ленин мукофотига сазовор бўлган биринчи олим.

⊙ Ғафур Ғулом эса адабиёт соҳасидаги хизматлари учун биринчи бўлиб шу мукофотни олган.

⊙ Шоислом Шомуҳамедов халқаро Фирдавсий мукофоти берилган ҳозирча ягона ўзбек олимидир.

⊙ Зулфия ҳақида қўш маълумот келтириш мумкин: у ўзбек аёл зиёлилари ичида биринчи бўлиб СССР Давлат мукофоти ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

⊙ Риёзатчи олим Мирфозил Мирзааҳмедов Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти таъсис этишни таклиф қилиб матбуотда биринчи чиққан кишидир.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ тайёрлаган.

Бувижон, ўқиб беринг

ЯХШИ ДЎСТЛАР

(Эртак)

БОР эканда йўқ экан, яшил ўрмонда бир кичик Айиқча бор экан. У жуда чиройли, худди ўйинчоққа ўхшар экан. Унинг энг яхши дўсти Олмахон экан. Улар жуда аҳил эканлар.

Бир куни Олмахон дўсти Айиқчани ўрмондан қидириб топа олмабди. Шундан кейин Олмахон нима қиларини билмай хафа бўлиб, кўп йиғлабди. Шу пайт бир калта. кесак Олмахон ҳузурига келиб, унга:

— Айиқчани овчилар тутиб олиб, қишлоққа олиб кетишди, мана ишонмасанг, ерга қара, уларнинг майса устидаги катта-катта оёқ изларн,— дебди.

Олмахон йиғлашдан тўхтаб, овчиларнинг уйи томон йўл олибди. У қишлоққа етиб келибди. Олмахон қараса, дўсти Айиқча овчиларнинг молхонасида қамалиб ётган экан. Уни овчилар молхонага қамаб қўйиб, ўзлари уйда ўтириб масза қилиб бемалол овқатланаётган эканлар. Бу ҳолни кўрган Олмахон овчиларга сездирмасдан дарров молхонанинг томига чиқибди ва молхонанинг ичига томон туйнук очибди. Туйнукдан молхонанинг ичига қуёш нури тушибди. Қуёш нури тушганини кўриб Айиқча шифтга қарабди. Ва у ерда турган дўсти Олмахонни кўрибди. Айиқча бир амаллаб томга чиқиб олишга ҳаракат қилган экан, дўсти Олмахон тортиб олибди. Айиқча хурсанд бўлиб:

—Яхши дўст дўстнинг бошига қулфат тушганда синалар экан,— дея Олмахонга кўп раҳматлар айтибди. Икки дўст жуда-жуда қувонишиб, ўрмонга чопиб кетишибди.

Французчадан Сайдиғани МУСАЕВ таржимаси.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Телепрограммалар

19 мартдан—25 мартгача

Душанба, 19

● ЎзТВ I

17.30 «Наврўз келганда». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 «Баҳор тароналари». Манзарали фильм.
18.05 «Риккэ-ҳоҳолок», «Дангасалар кўйлаги». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Наврўз гуллари».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёзувчи ва замон».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Наврўз наволари». Мусиқий программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ойнаи жаҳонда». Телекўрсатувлар анонси.
22.20 **Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимларининг жумҳурият қурултойидан репортаж. Ўзбекистон санъат усталарининг қурултой қатнашчиларн учун концерти.** В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

● ЎзТВ II

19.00 «Мактаб: ўзгаришлар даври».
19.35 «Болалигимиз ўтган уй». Телефильм.
20.00 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм («Ленфильм»).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Қадир тун».
23.00 «Номаълум кишининг ҳикояси». Бадиий фильм, субтитр билан (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Похол тўрғай». Мультфильм.
9.25 РСФСР халқларининг мусиқий фольклори.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Аткинс». Бадиий фильм («ДЕФА» ГДР, «Бухарест» Румыния).
12.00 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
13.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Грач концерти (скрипка).
13.35 «Сўнгги манзилгоҳ». Рус муҳожири А. Ширинская-Манштейн тақдири ҳақида.

* * *

16.00 «Константин Сергеев. Хореография саҳифалари». Телевизион мусиқий фильм.
17.00 «Братиславанинг мусиқий тантаналари» фестивалининг концерти. Б. Крусел. Кларнет ва оркестр ижроси учун концерт (Чехословакия телевидениеси).
17.25 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.25 «Қурувчи». Москва бизнес-марказининг дастлабки иш якунлари.
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Г. Карева куйлайди.
20.15 «Дуэлдан сўнг». Телевизион фильм-спектакль премьераси. Муаллиф — М. Рошчин.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Дуэлдан сўнг». Телевизион фильм-спектаклнинг давоми.
23.15 Футбол шарҳи.
23.45 Святослав Рихтер концерти («Экран»).
00.50 «ТСН». Телевизион янгиликлар хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 128 ва 138-сонлари.
9.35, 10.35 Физика. 10-синф. Плазманинг ишчи касблари.
10.05 Итальян тили.
11.05 «Сиз яратган боғ».
11.35, 12.35 Астрономия. 11-синф. Юлдузлар.
12.05 Финляндия телевидениесининг программаси.

*

13.05 «Барча юлдузлар». Киноконцерт.
13.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бернардо Альбанинг уйи» («Грузия-фильм»).

* * *

18.00 «Бир актёр театри». Л. Филатов. «Моҳир овчи, қойилмақом йигит Федот ҳақида».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Мусаввир Селиверстов вертикали».
20.10 «Урал оқшомлари». Свердловскдан кўрсатилади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ака-ука Люлар». 3-қисм.
20.45 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
20.50 А. Николаев. «Алябьевга гулдаста». Хор учун концерт.
21.30 Делегатскаядаги музей. «Болаликка саёҳат».
22.00 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Уч кун байрам» («Қозоқфильм»).
23.20 Қиличбозлик. Халқаро турнир. «Россия кубоги». «Дружба» универсал спорт залидан кўрсатилади.

* * *

17.20 Москва Давлат филармонияси Н. Алексеев раҳбарлигидаги академик симфоник оркестрининг концерти.
18.00 «Агар мен ўз дадамнинг ўрнида бўлсам...». Мультфильм. 1 ва 2-фильмлар.
18.30 «Дублсиз». Телевизион ҳужжатли фильм. Олмаота ип-газлама комбинатининг бош механиги, ихтирочи С. Д. Ревриков ҳақида.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Графиндаги Қорбола».

Сешанба, 20

● ЎзТВ I

11.30 Физика. Ярим ўтказгичлар ва улар асосида ишлайдиган электрон асбоблар.
12.00 «Баҳор байрами», «Вавака». Телефильмлар.
12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Жадвал катталиклар ва цикл командаси.
13.00 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм.

* * *

17.20 Кўрсатувлар программаси.
17.25 «Ўйинчоқлар сири». Мультфильм.
17.35 «Наврўз». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
18.05 «Инсон болаликдан бошланади».
18.55 «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Навоий гулшани». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Муҳаббат мадҳи». Адабий-мусиқий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ассалом, Наврўз!». Мусиқий программа.
23.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
00.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Дўстлик» программаси.
20.05 «Шаҳар ва одамлар». Кинопрограмма.
20.40 «Жумҳуриятнинг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш» (рус тилида).
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Шоми жавони» программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Янги дўстлар». Мультфильм.
9.15 М. Рошчин. «Дуэлдан сўнг». Телевизион фильм-спектакль.
11.35 «Бу бўлган... бўлганди...».
11.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Бу ажойиб етук ёш». Бадиий фильм (Болгария).
14.40 «Самарға дарёси оқадиган жойда». Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

15.55 «Кўзларимга тик қара». В. Шукшин ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
16.50 П. И. Чайковский. «Алмазы Якутии» болалар ансамбли ижросида «Шчелкунчик» балетидан дивертисмент.
17.20 «Норильск мўъжизаси». Ҳужжатли фильм.
17.45 Финляндия телевидениесининг программаси.
18.15 «Сиз бунга қодирсиз».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Фестиваль белгилари».
20.00 «Т-30 А» трактори». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»).
20.10 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси). Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 Халқаро конкурслар лауреати А. Аблабердиева куйлайди.
22.45 «Резонанс». «Шарқий Европа қаёққа боряпти?» Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Любовцев олиб боради.
24.00 «Хорижий рус маданияти». «Париж, княгиня Зинаида Алексеевна Шаховская ҳузурида».

* * *

16.15 «Сиз бунга қодирсиз»
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Виндхукка қайтиш». Намибия ҳақида телевизион фильм премьераси. Муаллиф —В. Лобаченко.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Долзарб интервью.
19.40 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади.
20.00 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
24.00 Сиёсий мулоқотлар. «Эстонияда нималар содир бўлаяпти?».
01.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 154 ва 160-сонлари.
9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Тебранишлар. Тўлқинлар. Товуш.
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Физика. 7-синф. Энергия ва иш.
12.05 Илмий оммабоп фильмлар.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 2-серия.
14.10 Футбол. СССР кубоги. 1/4 финал. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва). Минскдан кўрсатилади.
15.50 «Кўҳна Псков жилолари».

* * *

17.30 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади (домра).
17.45 Грузия ССР Давлат телерадиоси. «Вертикаль». Публицистик программа (Тбилиси).
18.45 «Трампу циркда». Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуёш акси».

Чоршанба, 21

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ БИРИНЧИ МАРТА БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТАДИГАН КЎРСАТУВЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

● ЎзТВ I

ПРОГРАММА СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Азал-азалдан ҳаётимиздаги энг қадрли байрамлардан бири, баҳор байрами — Наврўз бўлиб келган.

Бу йилги Наврўз байрами яратувчилик, дўстлик, байналмилаллик, меҳр ва оқибат, адолат байрами бўлиб қолади.

Узлуксиз кўрсатув давомида жумҳуриятимиз меҳнат коллективларининг вакиллари, ижодий ва жамоатчилик ташкилотларининг, маданият марказларининг вакиллари иштирок этадилар, Ўрта Осиё регионидаги қардош жумҳуриятлардан ва хорижий давлатлардаги дўстларимиздан табриклар янграйди.

Сиз жумҳуриятимиз санъат усталари иштирокидаги ҳайрия концертини, фольклор ансамбларининг чиқишини, «Қиз қувиш» халқ спорт ўйинидан лавҳалар, болалар бадиий ва этнографик колл е к т и в лари ижросида куй ва қўшиқлар тинглашингиз мумкин.

20.30 «Ахборот» (ўзбек ва рус тилларида).
21.05 Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатувнинг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатувнинг давоми.

Тунги программадан мақомлардан парчалар, оммавий кинокомедия ва ҳинд бадиий фильмларидан тузилган киноконцерт, хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концертлари ўрин олган. Фарғона вилояти мусиқий драма театрининг «Темир хотин» спектаклини томоша қилишингиз мумкин.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Мультфильмлар: «Энг ширин қовун», «Эҳ, Топтигин, Топтигин», «Бировнинг пўстини».
18.30 «Рангинкамони Наврўз» Болалар учун кўрсатув.
19.30 «Нашри Наврўзии «Ахбор» (тожик ва рус тилларида).
20.00 «Хуш омади, Наврўз!» Байрам программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хуш омади, Наврўз!» байрам программасининг давоми.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Ойнинг орқа томони». Мультфильм.
9.15 «Гуделка». Белоруссиядаги Соковшчина хутори аҳолиси ҳақида ҳужжатли фильм.
9.40 П. И. Чайковский. «Алмазы Якутии» болалар ансамбли ижросида «Шчелкунчик» балетидан дивертисмент.
10.10 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Покистон вилоятлари бўйлаб мусиқий саёҳат».
12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Сиз бунга қодирсиз».
14.15 Хорижий рус маданияти. «Париж, княгиня Зинаида Алексеевна Шаховская ҳузурида».

* * *

16.15 «Сиз бунга қодирсиз»
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Виндхукка қайтиш». Намибия ҳақида телевизион фильм премьераси. Муаллиф —В. Лобаченко.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Долзарб интервью.
19.40 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади.
20.00 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
24.00 Сиёсий мулоқотлар. «Эстонияда нималар содир бўлаяпти?».
01.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 154 ва 160-сонлари.
9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Тебранишлар. Тўлқинлар. Товуш.
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Физика. 7-синф. Энергия ва иш.
12.05 Илмий оммабоп фильмлар.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 2-серия.
14.10 Футбол. СССР кубоги. 1/4 финал. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва). Минскдан кўрсатилади.
15.50 «Кўҳна Псков жилолари».

* * *

17.30 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади (домра).
17.45 Грузия ССР Давлат телерадиоси. «Вертикаль». Публицистик программа (Тбилиси).
18.45 «Трампу циркда». Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуёш акси».

Пайшанба, 22

● ЎзТВ I

11.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Брест узра шундай осойишталик», «Фронт хроникасидаги ном». Телефильмлар.
12.00 Болалар учун театр. «Олтин шоҳли кийикча». Бухоро вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
12.50 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

* * *

17.30 Ўқитувчи экрани. Мактабларда чет тилларни ўқитишдаги ҳозирги талаблар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Хоразм вилоятидаги Шовот районидан кўрсатув.
18.35 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.
18.50 «Инсон омили — бош мезон», Наманган вилоятидан кўрсатув.
19.20 Шеърият дафтаридан. Абдулла Шер.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Алифбо сабоқлари».
20.25 Реклама.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Долзарб мавзу.
22.20 «Ўзбекистон композиторлари». Дони Зокиров.
23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «3-студия».
00.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Ровесник» (рус тилида).
19.45 Реклама.
19.55 Абдулла Қодирийнинг экранлаштирилган асарлари. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Инсон ҳузурига». Фрунзе шаҳар партия комитетининг биринчи котиби У. Чиналиев суҳбати.
22.15 «Кримда ҳар доим ҳам ёз бўлавермайди». Бадиий фильм. 1 ва 2-серилар (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). 2-тайм.
10.40 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.05 «Икки дил». Анжела Чумак куйлайди. Кишинёвдан кўрсатилади.
12.30 «Учинчи трамвай борарди». Мультфильм.
12.45 Л. Бондаренко чалади (баян).
12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
14.30 «Давомли суҳбат». Кинорежиссёр А. Кончаловский билан учрашув. Кўрсатувни О. Добросотова олиб боради.

* * *

16.30 «Композитор Авет Тертерян». Фильм-концерт (Ереван).
17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Афсонага айланган кишилар» туркумидан ҳужжатли фильмлар: «Вера Хоружая», «Ғалаба байроқдорлари».
17.20 «Агао сиз...»
18.05 Владимир Познер «Донахью ва болалар» программасини таништиради.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Меҳмон бўлинг...». Л. Сандулесу куйлайди. Киевдан кўрсатилади.
19.45 Р. Солнцев. «Алвонранг гиламдаги уч киши». Телеспектакль. 3-учрашув.
21.00 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама».
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Инсон қўшиқ ўйлаб топибди». Шоир Л. Дербенев ижодий кечаси.
23.15 Долзарб интервью.
23.25 Л. Дербенев ижодий кечасининг давоми.
00.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 165 ва 173-сонлари.
9.35, 10.35 Биология. 11-синф. Ирсиятнинг хромосома назарияси.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик».
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 3-серия.
14.10 Ритмик гимнастика.
14.40 «Т-30А» трактори». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»).
14.45 «Псков тупроғи».

* * *

17.30 «Хомо дуплекс». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
17.50 Э. Денисов. «Иқрорлик» балетидан сюита.
18.30 Ритмик гимнастика.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! «Асал сири».

Жума, 23

● ЎзТВ I

11.30 Ангрен шаҳар болалар ҳаваскорлик цирк коллективининг чиқиши.
12.10 «Червяки яқинидаги хуторда». Телефильм.
12.40 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Абдулла Қаҳҳор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қуённикида ҳовли тўйи», «Қувиш». Мультфильмлар.
18.30 «Ҳуқуқ бизнинг ҳаётимизда». Ҳуқуқий умумтаълимни ташкил этиш.
19.00 «Деҳқон юмушлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Унутилмас сатрлар». Фурқат.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Камолот сари». Салоҳиддин Лутфуллаев, Гавҳар Аминова.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Одобнома».
22.15 «Гаровга олинган бек». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Қоялар чорлайди». Телефильм.
19.30 «Юлька». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Юмушларимиз доираси».
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Контакт». Телетомошабинларнинг савол ларига олий ўқув юртларининг раҳбарлари жавоб берадилар.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Малика-қурбақа». Мультфильм.
9.35 «Йил фасллари». Март.
10.35 «Утмиш ҳали олдинда». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.05 «Россия» рақс ансамблининг концерти.
11.45 «Марнам ва Тадеуш». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.05 Владимир Познер «Донахью ва болалар» программасини таништиради.
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм.
14.00 «Шаҳрим куйи». Фильм-концерт («Экран»).
14.30 «Ўйин». Бутуниттифоқ «Орленок» ҳарбий-ватанпарварлик ўйини ҳақида ҳужжатли фильм.

* * *

17.00 Г. Веревка номли Давлат хизмат кўрсатган украин академик халқ хори иштирокида фильм-концерт премьераси.
17.40 «Қувноқ стартлар».
18.25 «Қатъий режим зонасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳарбий-денгиз флотида қайта қуриш зарурияти тўғрисида (Мурманск).
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Мультфильмлар: «Инжиғойим», «Типратикан қандай қилиб пўстинини алмашди».
20.00 Сиёсий мулоқотлар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қиламиз.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.30 «Нигоҳ».
22.45 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Динамо» (Киев) — «Спортинг» (Португалия). Киевдан кўрсатилади.
24.00 «Ҳорижий рус маданияти». «Париж, княгиня Зинаида Алексеевна Шаховская ҳузурида».

* * *

16.15 «Сиз бунга қодирсиз»
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Виндхукка қайтиш». Намибия ҳақида телевизион фильм премьераси. Муаллиф —В. Лобаченко.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Долзарб интервью.
19.40 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади.
20.00 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
24.00 Сиёсий мулоқотлар. «Эстонияда нималар содир бўлаяпти?».
01.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 187 ва 189-сонлари.
9.35, 10.35 Мусиқа. 3-синф. Э. Григ. «Пер Гюнт».
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 География. 6-синф. Оби ҳаво.
12.05 «Онам, дадам ва мен».

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 4-серия.
14.00 «Кишиларга қувонч бағишлаб». Помидор етиштиришнинг янги усуллари ҳақида телеочерк.
14.10 Болалар учун фильм. «Инглиз тилидан таржима» («Экран»).

* * *

17.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси, Ўзбекистон телевиденнесининг программаси. Тошкентдан кўрсатилади.
18.20 Дағистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Пашша-ой-пошша».

Шанба, 24

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.00 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
12.15 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!». Наманган вилояти мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларида халқ таълими муаммолари.
12.45 «Актёрлар ва роллар».
13.45 «Амалий давра суҳбати». Жумҳуриятда савдо ва умумий овқатланишни ривожлантириш ҳақида.
14.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Самарқанд Давлат дорилфунуни ва Тошкент Маданият институти командалари учрашадилар.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тўс-тўполон». Қўғирчоқ фильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мультипанорама».
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 Оқшом эртаклари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дўстлар даврасида». Хайрия концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». «Чоми Ҳайём».
10.05 «Дурдона». Саида Файзалиева.
10.35 «Роза Римбоева. Менинг қўшиғим». Телефильм-концерт.
11.20 «Отиш ҳуқуқи». Бадиий фильм.

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 «Боқман менен тоту куш». Мультфильм.
16.15 Реклама.
16.25 «Акселерат қиз». Бадиий фильм.
18.15 «Эл чигирмачилиги».
19.00 «Бош масала». Миллий ишчи кадрлари ҳақида суҳбат (рус тилида).
20.00 «Мезгил».
20.30 «Коз караш».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Кумуш оҳанглар». Чоро Шалтакбаев чалади.
22.45 И. Акромов. «Адолат». Киров номидаги Ўш ўзбек мусиқий драма театрининг спектакли.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Арманистон ССР халқ артисти С. Карапетян чалади (дудук). Ереванда кўрсатилади.
9.20 «Сиз яратган боғ».
9.50 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
10.20 «Биз рақс тушишни севамиз». Софияда бал рақслари халқаро болалар фестивали.
10.50 «Инсон. Ер. Коинот».
11.50 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
11.55 «Ҳайвонот оламида».
12.55 Болалар учун фильм. «Мушук из қувмоқда» (Чехословакия).
14.10 «Спектр».
14.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (А. Довженко номли киностудия).
15.45 «Бизнинг мерос». Т. Костаки.
16.25 «Георг Отс — мусиқа ритсари». Фильм-концерт (Таллинн).
17.25 Сиёсий мулоқотлар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қиламиз (Барнаул шаҳри).
17.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Гўё юздаги сепкилдек» («ЦДФ» ГФР).
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Портда». Мультфильм.
19.30 «Солдатлар куйлаганда». Солдат қўшиқлари фестивали. Финалнинг 2-тури.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Телескоп».
22.30 «Бахтли тасодиф». Телевикторина.
23.35 «Оммабоп куй янгиликлари», «А» программаси.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 К. Сатиев чалади (баян). Қозондан кўрсатилади.
9.00 «Осойишта застава». Бадиий фильм, субтитр билан («Молдова-фильм»).
10.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама».
11.00 Тарихий фильм. «Александр Невский» («Мосфильм»).
12.55 «Педагогика ҳамма учун».
14.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Девор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
17.35 «Виват, Россия!».
18.15 Мавжуд шароитга кўра. «Нотаниш кишилар учун совғалар».
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Совети сессияси да.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».

Якшанба, 25

ХОТИРА КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
11.35 Еш спортчи мактаби. 1. Кураш. 2. «Шоҳруҳ» клуби.
12.40 Мактаб ўқувчиларн учун. «Светофор».
13.40 Еш олимлар телеклуби.
14.25 «Алифбо сабоқлари».
15.00 «Мукаррама опа ва қирқ гўзал». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
15.50 «Спорт, қишлоқ ва фантазия». Ҳужжатли фильм.
16.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мушоҳада баҳси».
17.45 Реклама.

*

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Гуслярдаги мўъжизалар». Қўғирчоқ фильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Фильмотекамиз жавонидан». Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Анъаналар этади давом». Мусиқий программа.
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 Мукаррама Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг концерти.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 Реклама.
10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари.
11.15 «Ателье». Фильм-концерт.
11.45 «Вершина» тўлқинларида». Бадиий фильм.
18.05 «Вершина» тўлқинларида». Бадиий фильм.
19.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 Ҳужжатли фильм.
20.45 «Гулчин». Концерт программаси.
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Фарҳанг ва ҳунар».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.30 «Мусиқий киоск».
14.00 «Эллада диёрида». Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик кунига.
14.50 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.55 «Тошлар териш пайти». «Дунё шифокорлари ядро урушини олдини олиш учун» Халқаро ташкилотининг Хиросима конгресси.
17.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
18.00 «Марафон-15» болалар ахборот-публицистик программаси.
19.30 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Бардина чалади (гитара).

Якшанба кинозали

19.45 «Карамзордаги келгинди». Мультфильм премьераси.
19.55 «Ягона йўл». Бадиий фильм («Мосфильм», «Филмски студио» Югославия).
21.30 «7 кун».
22.30 «Абадият ҳақида ўйлар».
22.45 СССР халқ артисти И. С. Козловский иштирокида телевизион мусиқий фильм.

● МТ II

8.30 Заряднага сафланинг!
8.45 Туркманистон ССР Ашхобод шаҳри болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг чиқиши.
9.20 «Қарсаклар». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.40 «Бегона ўйинлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Арманфильм»).
11.00 «Она-замин ташвишида». Полесьенинг экологик муаммолари ҳақида ҳужжатли фильм.
11.15 «Қулоқсизлар байрами». Мультфильм.
12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.30 Болалар учун фильм. «Ёввойи Гаврила» («Ленфильм»).
14.40 «Подмосковье гўзали». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Сабурово» МЖК телемаркази).
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 «Биз яшаётган олам». П. Коганнинг ҳужжатли фильмлари. «Касби — оператор».
19.00 «Киносерпантин». 1-дубль.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
20.45 «Киносерпантин». 2-дубль.
21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Киносерпантин». 3-дубль.
00.45 «От тарихи». М. Горький номли академик Катта драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
02.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Кросс. Францияда кўрсат